

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИБРАГИМОВА ИРОДА РАШИД ҚИЗИ

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИНИ
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ АМАЛИЁТИГА ЖОРИЙ ЭТИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 – «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит»

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри - 2022 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Ибрагимова Ирода Рашид қизи

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини акциядорлик
жамиятлари амалиётига жорий этишни такомиллаштириш..... 3

Ибрагимова Ирода Рашид қизи

Совершенствование внедрения международных стандартов
финансовой отчетности в практику акционерных обществ..... 27

Ibragimova Iroda Rashid kizi

Improving the implementation of international financial reporting
standards in the practice of joint-stock companies..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 55

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИБРАГИМОВА ИРОДА РАШИД ҚИЗИ

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИНИ
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ АМАЛИЁТИГА ЖОРИЙ ЭТИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 – «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит»

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри - 2022 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Iqt1001 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsue/uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Кўзиев Исломжон Неъматович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Ахмеджанов Каримжон Бакижанович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Алиқулов Абдимўмин Исматович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «27» август куни соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил.: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49 уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: info@tsue.uz

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1160 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49 уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: info@tsue.uz

Диссертация автореферати 2022 йил «13» август куни тарқатилди.
(2022 йил «13» август даги 32 рақамли реестр баённомаси).



Н.Х. Жумаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.В. Гафуров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., профессор

С.К. Худойкулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё мамлакатларида чуқурлашиб бораётган интеграция ва глобаллашув жараёнлари халқаро даражадаги стандартларга ўтишга ҳамда уларга амал қилишга бўлган талабларнинг кучайишига сабаб бўлмоқда. “Дунёдаги турли соҳаларда фаолият юритаётган барча акциядорлик компаниялари, 45 мингдан ортиқ трансмиллий корпорациялар ва йирик компаниялар ўзларининг 250 мингдан ортиқ шўъба ҳамда бошқа боғлиқ компаниялари билан биргаликда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарт (МҲХС)ларига мувофиқ молиявий ҳисоботларни ихтиёрийлик асосда тузмоқдалар”¹. Шу сабабли, МҲХСларини эътироф этувчи мамлакатлар сони ошиб бормоқда. Акциядорлик жамиятлари молиявий ҳисоботларининг дунё миқёсида гармонизациясига эришиш, илғор хориж тажрибасидан миллий даражада самарали фойдаланиш ҳозирги даврнинг энг долзарб масаласи ҳисобланади.

Жаҳондаги интеграция жараёни турли мамлакатларнинг молиявий ҳисоботларини бир хил тушуниш ва таҳлил қилиш имконини бериши ҳамда молиявий рискларнинг таъсирини бир хил усулларда ҳисоблаш бўйича муаммоларнинг ечимини топиш учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш зарур. Жаҳон амалиётида ҳисоб тизимини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил қилишга қаратилган кўпгина илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотларда молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисобини юритиш, активларни тан олиш, капитал, молиявий натижаларни ҳисобда акс эттириш ва бухгалтерия ҳисоби ахборот таъминотини такомиллаштириш, халқаро стандартларни жорий қилиш ҳамда баҳолаш масалалари ўз ечимини топган. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида молиявий ҳисобот маълумотларини шакллантириш, уларнинг ишончлилигини ошириш зарур. Аммо, акциядорлик жамиятларининг ҳисоботларини халқаро стандартлар талаблари даражасида ташкил этиш ва уларни фонд биржасидаги иштироки билан боғлиқ муҳим масалалар ҳозиргача ўзининг тўлиқ ижобий ечимини топмаган.

Ўзбекистонда молиявий ҳисоботларнинг шаффофлигини таъминлаш, ҳисоб тизимини халқаро стандартлар талаблари асосида юритилиши ҳисобот ахборотларининг ишончлилигини оширишда муҳим саналади. Ушбу масалада Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, “акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар 2021 йил 1 январдан бошлаб, МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлайди, қонун ҳужжатларида МҲХСга ўтишнинг эртароқ муддатлари

¹ www.ifrs.com

назарда тутилган юридик шахслар бундан мустасно.”² Ушбу Фармонга кўра, акциядорлик жамиятлари 2021 йил 1 январдан бошлаб бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий хўжалик фаолиятига оид молиявий ҳисоботларни тайёрлаш МҲХСлари асосида амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2015 йил 24 апрелда ПФ-4720-сон “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сон “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур соҳага оид бўлган бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мазкур мавзу бўйича хорижлик иқтисодчи олимлардан Джерри Дж. Вейгандт, Пол Д. Киммел, Дональд Э. Кьесо, Р.Энтони, Б.Нидлз, Б.Эллотт, Дж.Эллотт³ ҳамда Россиялик олимлардан А.С.Аликсенов, Ю.А.Бабаев, В.Г.Гетман, Т.Ю.Дружиловская, Э.С.Дружиловская, В.Качалин, В.Ф.Палий, А.М.Петров, О.Рожнова, Е.А.Мизиковский каби олимлар⁴ ўз ишларида МҲХСларини қўллаш масалаларини тадқиқ этганлар.

Республикамизда ҳам молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари масалаларига бағишланган тадқиқотлар амалга оширилган ҳамда илмий мақола, монография ва дарсликлар чоп қилинган. Булар жумласига, А.А.Каримов, А.К.Ибрагимов, Н.Қ.Ризаев, И.Н.Исманов, Б.И.Исроилов, А.Ж.Туйчиев, К.Б.Уразов, Д.Маткаримов, И.Н.Кўзиев, Р.Д.Дусмуратов, У.И.Тулаев, С.Н.Ташназаров, Н.Ш.Хажимуратов, М.Марпатов⁵ ва бошқаларнинг изланишларини киритиш мумкин.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 24 февраль, ПҚ-4611-сон Қарори.

³ Jerry J. Weygandt, Paul D. Kimmel, Donald E.ieso. Financial Accounting: IFRS, 3rd Edition. Printed in USA, 2015. -856 p., Нидлз Б., Андерсон Х., Колдуэлл Д., Принципы бухгалтерского учета. Пер.с англ. /под ред Я.В.Соколова. М., Финансы и статистика, 1993.- 496с. Barry Elliott., Jamie Elliot, Financial Accounting and Reporting London 1993 625p.F.Wood Business Accounting. London Pitman. 1989.-353p

⁴ Аликсенов А.С. Международные стандарты финансовой отчетности. М.: Издательство Юрайт, 2018. -404с. Бабаев Ю. А., Петров А.М. Международные стандарты финансовой отчетности. М.:ИНФРА-М., 2021-456с. Гетман В.Г., Рожнова О. Международные стандарты финансовой отчетности. Учеб. пособие. –М.: Финансы и статистика, 2019. –544 с.; Мизиковский Е.А.Дружиловская Т.Ю., Дружиловская Э.С. Международные стандарты финансовой отчетности. М.: ИНФРА-М, 2020.-489с; Качалин В.В. Финансовый учет и отчетность в соответствие со стандартами GAAP. –М.:Дело, 1998. –432 с.; Палий В.Ф.Международные стандарты финансовой отчетности. –М.: ИНФРА-М., 2003-456с.;

⁵ Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари: Дарслик /А.А.Каримов, А.К. Ибрагимов, Н.К. Ризаев, Н.М. Имамова - Т.: «Iqtisod-Moliya», 2020 - 392 б.; Исманов И.Н.Узоқ муддатли активлар бухгалтерия ҳисобининг методологик асослари.

Ушбу муаллифларнинг тадқиқотлари муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга бўлса-да, лекин, мазкур ишларда молиявий ҳисобот шакллари халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш, молиявий ҳисоботни трансформация қилиш ҳамда ҳисоботни тузишнинг илғор хорижий усуллари қўллаш масалалари етарлича очиқ берилмаган. Шунингдек, ушбу муаммоларни бир-бирига узвий боғлиқликда ва яхлит ҳолда ўрганишга бағишланган илмий ишлар ҳам етарли эмас. Мазкур жиҳатлар ушбу мавзуда илмий-тадқиқот олиб бориш, унинг мақсади ва вазифаларини белгилашга асос бўлади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг ФМ-6 “Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва статистика соҳалари тараққиётини концептуал йўналиши” режаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади акциядорлик жамиятлари амалиётига молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш ва уни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисоботлар, уларнинг хусусиятларини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш;

молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва уларни халқаро амалиётда мавжуд бўлган тартибга мос равишда ташкил қилиш, молиявий ҳисобот кўрсаткичларини халқаро стандартлар асосида тузишнинг заруриятини асослаш;

миллий ва халқаро молиявий ҳисобот стандартлари ўртасида мавжуд ўхшашлик ҳамда фарқларни аниқлаш орқали Ўзбекистонда акциядорлик жамиятлари фаолияти бўйича молиявий ҳисоботлар тамойилларини шакллантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини биринчи маротаба қўлланилиши жараёнида амалга ошириладиган ишларнинг кетма-кетлиги ва уларни шакллантиришга доир тавсиялар бериш;

акциядорлик жамиятлари молиявий ҳисоботларини халқаро стандартларга трансформация қилишни таъминлаш мақсадида трансформацион жадвалларни шакллантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

Монография:-Т.: Фан, 2006. - 172 б.; Исроилов Б.И. Солиқлар ҳисоби ва таҳлили: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. – Т.:Ўзбекистон, 2006; Гуйчиев А.Ж.. Мажбуриятлар бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилининг назарий методологик муаммолари.. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Автореферати. – Тошкент. 2011.-36б.; Уразов К.Б.. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. Монография. - Т.: Фан, 2005. -236 б.; Маткаримов Д.. Молиявий ҳисоб ва ҳисоботни халқаро стандартлари асосида такомиллаштириш. Фалсафа фан. док. (PhD) дисс. автореферати. -Т.: ТМИ, 2019. 24б., Қўзиев И.Н.. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аудиторлик ҳисоботини тузиш ва умумлаштириш методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т.: 2017. – 70 б. Дусмуратов Р.Д., Тулаев У.И.. Молиявий ҳисобот: назарий, услубий ва амалий жиҳатлари.-Т.: "Extremum-Press", 2012, -144 б., Ташназаров С.Н. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т.: 2017.-72б., Хажимуратов Н.Ш.. Молиявий ҳисобот аудити методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т.: 2021.-64б., Марпатов М. Бухгалтерия баланси – молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот. //Бозор, пул ва кредит Ж. -2016.-№11.-Б. 20-24

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари, шу жумладан, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси таркибидаги акциядорлик жамиятлари ва “Жиззах дон маҳсулотлари” акциядорлик жамиятининг фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предметини акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш жараёнида вужудга келадиган молиявий муносабатлар мажмуи ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишни ёзиш жараёнида индукция, дедукция, қиёслаш, гуруҳлаштириш, таҳлил ва синтез, иқтисодий таҳлил ҳамда иқтисодий-математик усуллардан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат: акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишда счётлар режаси, қайта баҳолаш жадваллари, ҳисоб сиёсати ва ҳисоботларни шакллантириш босқичлари ишлаб чиқилган;

акциядорлик жамиятларида асосий воситаларни мулкрий гуруҳлари бўйича акс эттириш учун счётлар режасига қўшимча М01-1 “Хусусий асосий воситалар”, М01-2 “Инвестицион мулк воситалари”, М01-3 “Ижарага олинган асосий воситалар” счётларини қўллаш таклиф қилинган;

акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисоботларни МҲҲСга ўтказиш бўйича инфляция коэффиценти, қолдиқларни ўтказиш, ҳисобот валютаси трансформацион жадваллари ишлаб чиқилган;

МҲҲС №1 “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартини биринчи марта қўллаш” номли стандартдан фойдаланишда дастлабки маълумотлар, ҳисоб тизимининг ташкилий асослари, тахминий баҳолашларни тадбиқ этилиши ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисоботларни тузиш ва уни тақдим этиш жараёнини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида амалга ошириш учун зарур амаллар кетма-кетлигига асосланган, ҳисоботнинг шаффофлиги ва уни чет эллик инвесторларга улар тушунадиган ҳолда тақдим этиш тартиби ишлаб чиқилган;

трансформация қилиш натижасида молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида тузиш базасини шакллантириш модели ишлаб чиқилган;

молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш жараёнида 1-сон МҲҲСни қўллаш тартиби, кетма-кетлиги ва унинг таркибий қисмлари бўйича халқаро стандартлар асосида амалга ошириш жараёни ишлаб чиқилган;

акциядорлик жамиятларининг фаолият хусусиятини ҳисобга олган ҳолда халқаро стандартларни қўллашнинг ўзига хос жиҳатлари ва молиявий ҳисобот кўрсаткичларига қўйилган талабларнинг услубий жиҳатлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий-услубий ёндашув ва усулларга, расмий манбалардан олинган маълумотларга, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий статистик маълумотларига, хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётда жорий этилганлигини

тасдиқловчи маълумотномаларга, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси таркибидаги акциядорлик жамиятлари, “Жиззах дон маҳсулотлари” акциядорлик жамиятининг молиявий ҳисоботлари ва амалий маълумотлари таҳлилига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олинган натижаларнинг назарий жиҳатдан асосланганлиги илмий таклиф ва амалий тавсиялар саноат қурилиш материаллари тизимидаги корхоналар фаолияти ҳисобини юритиш, донни сақлаш ва уни қайта ишлаш жараёнларининг бухгалтерия ҳисоби тизимини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида юритиш ҳисобот шакллари тўлдириш жараёнларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил қилиш имконини беради.

Диссертация ишининг амалий аҳамияти акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳисоботларини тузиш жараёнини соддалаштириш ва уни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мос равишда тузиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини амалиётга жорий этилишини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишда счётлар режаси, қайта баҳолаш жадваллари, ҳисоб сиёсати ва ҳисоботларни шакллантириш босқичлари “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси тизимидаги субъектларда МҲХС асосида 2021 йил ҳисоб сиёсатига киритилган (“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасининг 2021 йил 2 ноябрдаги №07-1/5-41 сон маълумотномаси). Мазкур таклифни жорий этилиши бухгалтер томонидан акциядорлик жамиятларининг ҳисоб сиёсатини МҲХС мос келадиган шаклини ишлаб чиқиш ва унинг босқичларини белгилашда вақт сарфини тежаш имконини берган;

акциядорлик жамиятларида асосий воситаларни мулкӣ гуруҳлари бўйича акс эттириш учун счётлар режасига қўшимча М01-1 “Хусусий асосий воситалар”, М01-2 “Инвестицион мулк воситалари”, М01-3 “Ижарага олинган асосий воситалар” счётларини қўллаш бўйича таклифи “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасининг субъектларининг 2021 йилда ишчи счётлар режасига қўшимча киритилган (“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасининг 2021 йил 2 ноябрдаги №07-1/5-41 сон маълумотномаси). Мазкур таклифни жорий этиш натижасида “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси таркибидаги акциядорлик жамиятлари томонидан счётлар режасининг аналитиклигини ошириш имконияти таъминланган.

Акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисоботларни МҲХСга ўтказиш бўйича инфляция коэффициенти, қолдиқларни ўтказиш, ҳисобот валютаси каби таклифлари трансформацион жадваллари тузиш жараёнида қўлланилган. (“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасининг 2021 йил 2 ноябрдаги №07-1/5-41 сон маълумотномаси). Натижада акциядорлик жамиятларида МҲХСга ўтказиш бўйича трансформацион жадваллар тузиш харажатларини камайтириш имконияти яратилган. Трансформацион

жадваллардан фойдаланиш натижасида ташки аудиторлик шартномасини қулай ва тежамли тузиш имкониятини беради ва молиявий ҳисоботларнинг аудиторлик текшируви учун қулай шароит яратилган.

Акциядорлик жамиятларида МҲХС №1 “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартини биринчи марта қўллаш” номли стандартдан фойдаланишда дастлабки маълумотлар, ҳисоб тизимини ташкилий асослари, тахминий баҳолашлар бўйича таклифлари “Жиззах дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхонаси”нинг молиявий ҳисоботларини МҲХС асосида тузиш имконини берган. (“Жиззах дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхонаси” 2021 йил 15 августда 1233-сон маълумотномаси). Натижада молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартини биринчи марта қўллаш жараёнидаги амалга ошириладиган жараёнларни кетма-кетлиги, ўтишдаги жадвалларни ахборот таъминотини амалиётда қўлланиши, бухгалтерларнинг иш вақти тежалиши ва оператив равишда молиявий ҳисоботни шакллантириш имкониятини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та, жумладан 2 та республика ва 9 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган ва ижобий хулосалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, шу жумладан ОАК эътироф этган миллий журналларда 2 та, хорижий журналларда 3 та илмий мақола, шунингдек илмий-амалий конференцияларда 13 та маъруза тезислари чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 133 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги асосланган, мақсади ва вазибалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги баён қилиниб, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари ҳамда объекти, предмети ва усулларига тавсиф берилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва жорий қилиниши очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этишнинг назарий асослари**” деб номланиб, унда Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби тизимини шаклланиш тенденцияси ва ривожлантириш истикболлари, бухгалтерия ҳисобининг халқаро тизими ва уни шакллантиришнинг назарий асослари, акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий қилишнинг тамойиллари ва шакллари бағишланган.

Ўзбекистон Республикасини жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси жараёнида бухгалтерия ҳисобининг халқаро тизимига мос келадиган ҳисоб тизими асосида ташкил этилиши натижасида молиявий ҳисоботларни кўрсаткичлари ва уларни тақдим этиш тизимида ҳам сезиларли даражада ўзгаришлар амалга оширилди.

Ҳозирда жаҳон тажрибасидан фойдаланган ҳолда сифат жиҳатидан янги бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва молиявий ҳисоботларни тақдим этиш тизими шакллантирилиб, унда субъектлар замонавий бухгалтерия ҳисоби операцияларини бажариб келмоқда. Кейинги йилларда хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби тизимини халқаро стандартларга жавоб берадиган шаклда ташкил этиш, ҳисоб тизимини халқаро амалиётда қабул қилинган тизимга мослаштириш ва халқаро амалиётга мос равишда юритишга шароит яратилмоқда.

Ушбу масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сон Фармонида қуйидаги вазифалар белгиланган: “Ўзбекистон жаҳон хўжалиги тизимининг тўлақонли фаол аъзосига тобора айлана борган сари, халқаро амалиётнинг мамлакатдаги бухгалтерия ҳисобининг ривожланишига таъсири ошмоқда”⁶. Айниқса акциядорлик жамиятларида бухгалтерия ҳисобини тартибга солишнинг асосий тенденцияларини белгиланиши, мамлакатда бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солиш тизимини ривожлантириш йўналишларини прогноз қилиш ва унга нисбатан баъзи талаблар қўйиш имконини беради.

Айниқса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2020-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ва 2018 йил 21-ноябрдаги ПҚ-4022 сонли “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида⁷ “мамлакатимизда капитал ҳаракатини босқичма-босқич эркинлаштириш ҳамда йирик корхоналарни ва улардаги улушларни (акцияларни), шу жумладан фонд биржаси орқали хусусийлаштириш, иқтисодиётда рақамли секторни ривожлантириш, электрон ҳужжатлар айланиши тизимларини жорий этиш, электрон тўловларни ривожлантириш, электрон тижорат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий қилиниши ва ахборот-технологик платформаларнинг янги моделларини яратиш” зарурати келтириб ўтилган.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4611 сон 24 февралдаги “Молиявий

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” (2015 йил 24 апрел ПФ-4720)

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 3 июль ПҚ-3832-сон “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари.

ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорида шундай таъкидлаб ўтилган:

“Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Белгилансинки, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар:

2021 йил 1 январдан бошлаб, МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлайди, қонун ҳужжатларида МҲХСга ўтишнинг эртароқ муддатлари назарда тутилган юридик шахслар бундан мустасно;

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ молиявий ҳисоботни ихтиёрий равишда МҲХСга мувофиқ тайёрлайдиган тадбиркорлик субъектлари бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари бўйича молиявий ҳисобот тақдим этишдан озод этилади”⁸. Демак акциядорлик жамиятлари 2021 йил 1 январдан бошлаб, МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида тақдим этади.

Ўзбекистондаги статистик маълумотларга кўра, ушбу молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини амалиётга жорий қилиши лозим бўлган гуруҳга кирувчи субъектларни қуйидаги 1-жадвалда кўришимиз мумкин:

1-жадвал

Ўзбекистонда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиши зарур бўлган субъектларнинг таҳлили (01.01.2021 й. ҳолатига)⁹

| № | Кўрсаткичлар | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 |
|----|------------------------|------|------|------|------|------|------|
| 1. | Акциядорлик жамиятлари | 850 | 714 | 653 | 641 | 635 | 649 |
| 2. | Тижорат банклари | 28 | 29 | 30 | 31 | 33 | 34 |
| 3. | Суғурта компаниялари | 28 | 27 | 31 | 35 | 32 | 32 |
| 4. | Йирик солиқ тўловчилар | - | - | - | 1416 | 836 | 1120 |

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, МҲХС ўтиши лозим бўлган субъектларнинг сони 2021 йилда 1835 тани ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 299 тага кўпайган. Лекин йирик солиқ тўловчилар 2019 йилги 1416 та, 2020 йилда 836 та, 2021 йилда эса 1120 тани ташкил этган ва ўтган йилга нисбатан 284 тага кўпайган. Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, 2021 йилда жами мажбурий молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича ҳисобот топшириши керак бўлган компания ва фирмаларнинг сони 1835 тани ташкил

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПК-4611 сон 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори.//Lex.uz/

⁹ Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

этган, натижада ушбу субъектларда бухгалтерия хизматида камида 3 тадан халқаро стандартни биладиган ва сертификатга эга бўлган ходимлар бўлиши белгиланган. Демак, 2021 йилда ушбу ходимларни тайёрлаш ва молиявий ҳисоботларни халқаро стандарт асосида тузадиган бухгалтерия тизимини шакллантириш лозим.

Маълумки, акциядорлик жамиятларида бухгалтерия ҳисоби тизими Ўзбекистон Ресубликаси мустақилликни қўлга киритгандан буён ислоҳ қилиниб, такомиллаштирилиб келинмоқда. Айрим мутахассислар фикрича, акциядорлик жамиятларининг фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш - бу молиявий кўрсаткичлари асосида баҳолашнинг таққослама тизимидир¹⁰. Чунки, акциядорлик жамиятлари ўзининг фаолиятини рейтинг асосида эксперт томонидан баҳоланиб бориши учун уларнинг молиявий ҳисоботлари халқаро талаблар даражасида тузилиши зарур. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, молиявий ҳисобот кўрсаткичлари асосида акциядорлик жамиятлари халқаро рейтинги тузилади. Натижада молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида тузилган хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларини чет эллик инвесторлар томонидан ўқий олиш ва тушуниш имконияти яратилади. Шу сабабли, акциядорлик жамиятларининг акцияларини фонд бозорида жойлаштириш орқали унинг котировкаси тўғри белгиланади.

Хорижий мамлакатларда акциядорлик жамиятларининг фаолиятини рейтинг баҳолаш усулларининг самарадорлиги, акциядорлик жамиятларига нисбатан қўйилган рейтинг натижалари муҳим аҳамиятга эга. Ушбу молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

кўпчилик давлатларда ҳисоб ва ҳисоботга қўйиладиган миллий талаблар учун асос бўлади;

ҳисоб ва ҳисоботга нисбатан ўз талабларини ишлаб чиқаётган алоҳида мамлакатлар учун халқаро эталон сифатида фойдаланилади;

фонд биржалари ва тартибга солувчи органлар томонидан молиявий ҳисоботни МҲХСларига мос равишда тузилишини талаб қилинганда;

МҲХС талаб қилинмайдиган мамлакатларда ҳам компаниялар сони ортганлиги туфайли фойдаланилиши.

Юқорида таъкидланганидек, бугунги кунда МҲХСлардан бутун жаҳонда янада кенгроқ фойдаланилмоқда ва тан олинмоқда. Ҳатто, баъзи мамлакатлар МҲХСни ўз стандартларидек ўзгаришларсиз ишлатишмоқда, баъзилари эса, мамлакат хусусиятидан келиб чиқиб баъзи ўзгартиришларни киритмоқдалар.

Акциядорлик жамиятларида халқаро ҳисоб тизимини жорий қилиниши бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил қилиш ва юритишда муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун эса бухгалтерия ходимлари бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг асосий тамойиллари ҳамда услубий асослари тўғрисида етарли даражада тушунча ва билимларга эга бўлишлари зарур.

¹⁰ Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари: Дарслик /А.А.Каримов, А.К. Ибрагимов, Н.К. Ризаев, Н.М. Имамова - Т.: «Iqtisod-Moliya», 2020 - 392 б.Б.34-36.

Акциядорлик жамиятлари бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

бошқарув тизимида содир бўлаётган хўжалик операцияларини ҳужжатларда ўз вақтида расмийлаштириш;

бошқарув тизимида активларнинг ҳолати ва ҳаракати, мулкӣ ҳуқуқлар ҳамда мажбуриятларнинг ҳолати тўғрисида тўлиқ ва ишончли маълумотларни шакллантириш;

бошқарув тизимини самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш;

бошқарув тизими молиявий ҳисоботини ўз вақтида тузиш ва тегишли органларга тақдим этиш.

Акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисобот шакллари ва уларнинг мазмуни бўйича молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари 1-сон “Молиявий ҳисоботни тақдим қилиш”, 7-сон “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот”, 8-сон “Ҳисоб сиёсатлари, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатоликлар” номли бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари, 7-сон “Молиявий инструментлар: ахборотларни очиб бериш, 9-сон “Молиявий инструментлар” номли молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида аниқ белгиланганлиги ва шу асосда тақдим этилиши муҳимдир.

Молиявий ҳисобот тушунчасига концептуал ёндашувни, яъни молиявий ҳисобот концепциясини ташкил этувчи элементларнинг ўзаро алоқадорлигини қуйидагича тасвирлаш мумкин (1-расм).



1-расм. Молиявий ҳисобот концепцияси элементларининг ўзаро алоқадорлиги¹¹

¹¹ Муаллиф томонидан тузилган.

Молиявий ҳисоботни тақдим этиш концепциясида унинг 3 хил жиҳатни қамраб олганлигини кўришимиз мумкин. Бунда, сифат жиҳатлари, ҳисоботни тузиш тамойиллари, техник усуллари батафсил ёритиб бериш кераклиги белгиланган. Ушбу жиҳатлар молиявий ҳисоботнинг концептуал асосларида ҳам кўрсатиб ўтилганлигини кўришимиз мумкин. Чунки, унда молиявий ҳисоботни тузишнинг асосий қоидалари белгиланган ва ушбу қоидаларда молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг сифати, тузиш жараёнининг умумий тамойиллари ва молиявий ҳисоботни тузишнинг техник тамойиллари ёритилади. Шундай қилиб, ушбу элементларнинг молиявий ахборотларни шакллантиришдаги роли аниқлаштирилди. Молиявий ҳисоб ва ҳисоботнинг асосий мақсади бозор муносабатлари иштирокчилари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг натижаларини, молиявий аҳволини ва ундаги ўзгаришларни баҳолаш учун ахборот тизимини яратишдан иборат деган хулосага келдик. Молиявий ҳисоботнинг ахборот имкониятларини ўрганиш ва ахборотдан фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини талаб даражасида қондириш учун ҳисобот маълумотларини бойитишнинг асосий йўналишларини аниқлаш тадқиқотнинг асосий жиҳати ҳисобланади.

Иқтисодий адабиётларда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари тушунчасига турли хил муносабатлар мавжуд. Шу жумладан, “молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари”, “бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари”, чет эл адабиётларида “IAS”, “IFRS” тушунчалари ишлатилган. Бу адабиётларда барчаси молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари маъносида таҳлил қилинган.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари тушунчаси кенг маънога эгаллиги сабабли кенгаш томонидан қабул қилинган молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари тушунчаси энг тўғри вариант ҳисобланади ва унда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва унинг якуний натижаси молиявий ҳисоботларни тузишга тааллуқли бўлган тушунча бўлиб қолмасдан, бутун кенг жабҳаларда қўлланиладиган жараёндир.

Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари деганда, ахборот фойдаланувчиларнинг талабидан келиб чиқиб қарорлар қабул қилиш ва бошқариш мақсадида ўтган ҳодисалар, жараёнлар, бажарилган ишлар, фаолият натижалари тўғрисида фойдали ахборотларни стандартлар асосида махсус шаклларда тайёрлаш ва уларни узатиш тизимига айтилади. Ҳисоботлар мулк шакли, шу жумладан акциядорлик жамиятларининг ҳолати ҳисобот кўрсаткичларга таъсир қилади, уни кўрсаткичлари орқали фаолият назорат қилинади, тегишли қарорлар қабул қилинади ва келгусида қилинадиган ишлар режалаштирилади.

Диссертациянинг иккинчи бобида **Акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий қилишнинг амалий масалалари** деб номланиб, унда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этишнинг бошланғич босқичи ва ташкилий асослари, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини асосий воситалар, ТМЗ ва тайёр маҳсулотлар ҳисобига жорий этишнинг хусусиятлари, молиявий

ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида капитал, молиявий натижаларни ҳисобини назарий асослари ўрганилган.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш жараёни шартли равишда 4 та босқичга бўлишимиз мумкин:

- 1.Бошланғич босқич;
- 2.Жорий этиш босқичи;
- 3.Молиявий ҳисоботларни шакллантириш босқичи;
4. Молиявий ҳисобот тузилгандан кейинги босқич.

Бошланғич босқичда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш жараёнига тайёргарлик ишлари амалга оширилади. Шу жумладан, ушбу босқичда молиявий ҳисоботларни шакллантириш учун зарур ахборотларни жамлаш методикаси ишлаб чиқилади. Шунингдек, акциядорлик жамиятларида бухгалтерия ҳисоби тизимини ўрганиш асосида МҲХСга ўтиш учун амалга ошириладиган режа, бухгалтерия ҳисоби шакли, ҳисоб сиёсати ишлаб чиқилади, МҲХС мос келадиган ишчи сётлар режаси тузилади, синтетик ва аналитик ҳисобни шакллантириш, уларни умумлаштириш масалаларининг ечимини топиш бўйича ишлар олиб борилади.

Жорий этиш босқичи бухгалтерия ҳисобининг бошланғич ҳужжатлари ва уларни умумлаштириш, тегишли проводкалар бериш ва уларни сётларда акс эттириш, гуруҳлаштириш ҳамда баланс тузишгача бўлган жараёнларни ўз ичига олади.

Молиявий ҳисоботларни шакллантириш босқичи молиявий ҳисоботларни тузиш учун зарур маълумотларни МҲХС асосида тўплаш, гуруҳлаштириш ва умумлаштириш жараёнларини ўз ичига олади.


Молиявий ҳисобот тузилгандан кейинги босқичда ҳисобот тузилгандан кейин уни ташқи аудит учун тайёрлаш билан боғлиқ жараёнлар ҳамда кейинги ҳисобот даври бошига қолдиқлар ва маълумотларни умумлаштириш жараёнларини ўз ичига олади.

Кейинги муҳим стандарт 1-сон БҲХС “Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш” номли стандарт бўлиб унинг мақсади молиявий ҳисоботларни тақдим этиш асосини хўжалик юритувчи субъектнинг олдинги даврлардаги молиявий ҳисоботлари ҳамда бошқа субъектларнинг молиявий ҳисоботлари билан қиёсланувчанлигини таъминлаш имкониятини беради. Ушбу стандарт молиявий ҳисоботларни тақдим этишга нисбатан умумий талабларни, уларнинг тузилишига оид кўрсатмаларни ҳамда уларнинг мазмунига доир минимал талабларни ўрнатади.

Бундан ташқари ҳисоб сиёсати масаласида 8-сон БҲХС “Ҳисоб сиёсатлари, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатоликлар” номли стандарт қўлланилади. Мазкур стандартда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг асоси бўлган ҳисоб сиёсатига алоҳида эътибор қаратилган. Бундан ташқари шу масалада проф. Л.Б.Трофимова томонидан компания ва фирмалар молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллаш жараёнида ўхшаш операциялар, бошқа ҳодисалар ва шароитларга тегишли ҳисоб сиёсатини изчил равишда танлаши ва қўллаши керак, деган фикр билдирган. Демак, ушбу фикрдан хулоса қилишимиз мумкинки, молиявий ҳисоботнинг халқаро

стандартлари моддаларнинг тоифаларга бўлинишини талаб этса ёки рухсат этса, бундай ҳар бир тоифага тегишли бўлган ҳисоб сиёсати изчил равишда танланиши ва қўлланилиши лозим деган фикрни билдиради¹². Бизнинг фикримизча, ушбу фикр ҳисоб сиёсатини амалиётга жорий этишда муҳим ўрин эгаллайди ва унинг қўлланиши халқаро стандартга ўтиш жараёнини енгиллаштиради. Юқоридаги фикрни умумлаштирганда ҳисоб сиёсати – бу компания ва фирмалар томонидан молиявий ҳисоботларни тайёрлашда ва тақдим этишда қўлланиладиган муайян тамойиллар, усуллар, одатлар, қоидалар ва амалиётлар ҳисобланади. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш жараёнида ҳисоб сиёсатини белгилаб олиш муҳим ҳисобланади ва халқаро стандарт асосида ушбу масаланинг ечимини топиш зарур. Шу сабабли, МҲХС операцияга, бошқа ҳодисага ёки шароитга аниқ тегишли бўлганида, унга нисбатан қўлланиладиган ҳисоб сиёсати ушбу халқаро стандартни қўллаш орқали амалга оширилади ва унда тегишли тартиб қоидалар МҲХС бўйича белгиланиши лозим.

Бугунги кунда акциядорлик жамиятларининг фаолияти тўғрисидаги ишончли ахборотларни таъминлаш зарурлиги ва ушбу вазифани бажаришда бухгалтерия ҳисоби муҳимдир. Шунинг учун акциядорлик жамиятлари бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш тартибини халқаро стандартларга мувофиқ олиб бориш заруриятини тақазо этади.



2-расм. Молиявий ҳисобот ахборотларидан фойдаланувчиларнинг туркумланиши¹³

¹² Трофимова Л.Б. Международные стандарты финансовой отчетности: учебник, М.: Издательство Юрайт. 2018. -242с.

¹³ Муаллиф томонидан тузилган.

Ҳозирги шароитда акциядорлик жамиятлари фаолиятига молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартини жорий этишда ахборотдан фойдаланувчиларнинг талаблари ва уларга тақдим этилаётган маълумотларнинг хусусиятини инобатга олиш зарур, деб ҳисоблаймиз (2-расм).

Молиявий ҳисоб маълумотларини таҳлил қилиш натижасида олинган хулосаларнинг ишончлилиги, таҳлил учун олинган далил ва маълумотларнинг ишончлилиги билан бевосита боғлиқ. Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари (IFRS), Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (БХМС), молиявий ҳисоб соҳасидаги хорижлик ва мамлакатимиз мутахассисларининг асарларида баён қилинган асосий тамойилларни тадқиқ қилиш, ахборотларни фойдалилик белгиларини ажратиб кўрсатиш, уларни сифат белгилари бўйича туркумлаш, фойдаланувчига (таққосланувчанлик ва тушунарлилиқ) ҳамда қарор қабул қилиш учун йўналтирилади.

Корхона активида (асосий воситалар) мужассамланган келгуси иқтисодий наф қай тарзда олинишини аниқроқ акс эттирадиган усулни танлаш керак. Ушбу усул изчил равишда даврдан даврга, келгусида олинадиган иқтисодий наф шакли ўзгармагани ҳолда қўлланилиши керак.

Ушбу жадвалда “Жиззахдонмахсулотлари” АЖ томонидан асосий воситаларнинг баланс қиймати бўйича таркибининг ўзгаришига эътибор қаратамиз.

2-жадвал

“Жиззахдонмахсулотлари” АЖида асосий воситаларни баланс қиймати бўйича таркибининг таҳлили¹⁴ (2020 йил 20 декабрь ҳолатига) (минг сўмда)

| Кўрсаткичлар | йиллар | | | | |
|----------------|-----------|---------|---------|---------|---------|
| | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 |
| Баланс қиймати | 24 941, 2 | 27102,3 | 35172,7 | 56427,0 | 80436,7 |
| Эскириши | 12624,3 | 15361,4 | 22680,9 | 25434,8 | 30628,1 |
| Қолдиқ қиймати | 12316,9 | 11740,9 | 12491,8 | 30992,3 | 49808,6 |

Ушбу жадвалга кўра, йилдан - йилга асосий воситаларнинг баланс қиймати кўпайиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Демак, асосий воситалар баланс қиймати ва қолдиқ қиймати мос равишда кўпайиб борган. Чунки, асосий воситаларни сотиб олиш ва уларнинг янги замонавий турларини сотиб олиш натижасида унинг қиймати ўзгариб борган. Масалан, асосий воситаларни баланс қиймати, эскириш қиймати ва қолдиқ қийматини ўзаро таққосласак, 2016 йилда уларнинг эскириш қиймати 12624,3минг сўм ёки 50,62 фоизни, қолдиқ қиймати 12316,9 минг сўмни ёки 49,38 фоизни, 2020 йилда мос равишда 30628,1минг сўмни ёки 38,07 фоиз, қолдиқ қиймати 49808,6 минг сўмни ёки 61,93 фоизни ташкил этганлигини кузатиш мумкин.

¹⁴“Жиззахдонмахсулотлари” АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Демак, асосий вазифа асосий воситаларни ҳисобга олиш жараёнида унинг янгилашиш даражасига эътибор бериш лозим.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, бизнинг фикримизча, асосий воситаларга берилган таъриф, уларнинг қиймати ва хизмат кўрсатиш муддатига бир оз қўшимчалар киритишни лозим деб ҳисоблаймиз. Лекин, акциядорлик жамияти, хусусий ва бошқа мулк шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар асосий воситаларнинг хизмат муддати ва қиймати мулкдорлар томонидан белгиланиши мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Чунки асосий воситалар таркибидаги газ плита, совутгич, телевизор, принтер каби мулкларни қиймати ҳозирги шароитда тахминан 15-20 минимал иш ҳақини ташкил этади, лекин уларнинг хизмат муддати 3 йил ва ундан кўпроқ муддатни ташкил этади.

Натижада ушбу масалаларни бухгалтерияда ҳисобида юритишда қуйидаги муаммолар вужудга келади:

ушбу воситаларни қайси счёта ҳисобга олиш лозим, яъни 0100 - “Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар”да юритиладими ёки 1080- “Инвентарь ва хўжалик жиҳозлари” счётида юритилиши керакми деган савол пайдо бўлади. Амалиётда, бу аввало, бош бухгалтер тажрибаси ва уларни қаерда юритиш корхона манфаатига мос келишига қараб ақс эттиради;

асосий воситалар учун ҳисобланадиган эскириш суммаси маҳсулот таннархига қўшилса, таннарх ошиб кетиб, бозор қонунияти бўлган талабга жавоб бермаслиги мумкин. Чунки, баъзи бир асосий воситаларнинг ишлаш муддати 20-30 йилни ташкил этиши амалда фойдаланилаётган амортизация сиёсатига умуман тўғри келмайди;

иқтисодий самарадорлик кўп жиҳатдан асосий капиталнинг миқдорий ўсишига эмас, балки унинг самарадорлигини оширишга, яъни асосий капиталнинг ҳар бир сўмига тўғри келадиган маҳсулот ҳажмини кўпайтиришга боғлиқдир. Натижада турли мулкчилик шаклида фаолият юритаётган корхоналарда мулкка бўлган ҳуқуқнинг ўзгаришига олиб келмоқда.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартига кўра, яна бир муҳим масала асосий воситаларнинг ҳаққоний қийматини тўғри аниқлаш ҳисобланади. Чунки ушбу масала асосий воситалар қийматига, уларнинг эскиришига ва пировард натижада компания ва фирмаларнинг якуний молиявий натижасига таъсир этувчи омил ҳисобланади. Шу сабабли, халқаро стандартда алоҳида ҳаққоний қийматга таъриф берилган.

Ҳаққоний қиймат - бу баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операцияда активни сотишда олиниши мумкин бўлган ёки мажбуриятни ўтказишда тўланиши мумкин бўлган нархдир¹⁵.

Асосий воситаларнинг қадрсизланиши ёки тугатилишини, қоплаб бериш бўйича тегишли даъволар ёки учинчи томонлар тарафидан тўланадиган қоплаш суммалари, бундай активларнинг ўрнига кейинчалик янги активлар

¹⁵ Международные стандарты финансовой отчетности. М.: Аскери, 2020. -1036с. С.154.

сотиб олиниши ёки қурилиши алоҳида иқтисодий ҳодисалар бўлиб, улар қуйидагича алоҳида ҳисобга олинади:

асосий воситаларнинг кадрсизланиши БҲХС 36 “Активларнинг кадрсизланиши”га мувофиқ тан олинади;

тўлиқ эскирган ёки чиқиб кетган асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиши ушбу стандартга мувофиқ аниқланади;

кадрсизланган, йўқолган ёки арзонроқ бериб юборилган асосий воситалар учун учинчи томонлардан олинadиган қоплаш суммаси у олиниши лозим бўлганида фойда ёки зарарда акс эттирилади;

олдинги активлар ўрнига қайта тикланган, сотиб олинган ёки қурилган асосий воситаларнинг таннархи ушбу стандартга мувофиқ аниқланади.

Асосий воситаларнинг ҳаққоний қийматини аниқлашда улар қайта баҳоланишини мумкин. Шу жумладан, қайта баҳолаш қуйидаги тартиб асосида амалга оширилиши мумкин. Бунда асосий воситалар қийматини кадрсизланиш коэффициентига кўпайтириш орқали уларнинг ҳаққоний қиймати аниқланади. Масалан, ушбу масала “Жиззахдонмахсулот” АЖда асосий воситаларнинг ҳаққоний қийматини аниқлаш қуйидаги тартибда амалга оширилган.

3-жадвал

“Жиззахдонмахсулотлари” АЖида асосий воситаларни ҳаққоний қийматига трансформация қилиш жараёнининг таҳлили¹⁶ 2020 йил ташқи аудитор ҳисоботи) (минг сўм ҳисобида)

| № | Асосий воситаларнинг номи | Баланс қиймати | Трансформацион коэффициент | Ҳаққоний қиймати |
|----|----------------------------|----------------|----------------------------|------------------|
| 1. | Дон сақлаш минораси | 3237,8 | 1,128 | 3652,2 |
| 2. | Донни қайта ишлаш ускунаси | 4786,5 | 1,215 | 5815,6 |
| 4. | Эскалатор ТМ-56 | 2114,7 | 1,35 | 2854,8 |
| 5. | Дон тозалаш машинаси | 1517,5 | 1,227 | 1861,9 |

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, асосий воситаларни трансформация қилиш жараёнида қайта тиклаш, яъни ҳаққоний баҳосини аниқлашда инфляция коэффициенти, масалан дон сақлаш минораси 1,128 коэффициент, донни қайта ишлаш ускунаси бўйича ҳаққоний қийматни аниқлашда 1,215 коэффициентдан фойдаланиши асосий воситалардан фойдаланиш жараёнида унинг ҳаққоний қийматини инобатга олиш жараёнида муҳим ўрин эгаллайди. Шу сабабли, ушбу трансформацион коэффициентларни ҳисобга олган ҳолда аудиторлик ташкилоти томонидан асосий воситаларнинг ҳаққоний қийматини аниқлаганлигини кўришимиз мумкин.

